БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 7 сентябрь Жума
№ 170 (13.606). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Ёшларни армияга тайёрлашга эътибор берайлик

СССР мудофаа вазири Д. Т. Язов билан СССР халқ таълими давлат қўмитасининг раиси Г. А. Ягодин ўқувчиларни муддатли хизматни ўташга тайёрлаш тўғрисида қўшма қарор қабул қилишган. Бу тайёргарликнинг программаси тасдиқланган.

ЎзТАГ мухбири Т. Ботирбековнинг илтимосига биноан Ўзбекистон ССЖ халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев бу янгиликни шарҳлаб берди.

— Ҳамидулла Қаюмович, армияга чақириладиган ёшларни тайёргарликдан ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин шаҳар мактабларида ва ҳунар-техника билим юртларида ўсмирларни армиядаги хизматни ўташ учун тайёрлашда қандай ўзгаришлар бўлди!

— Ҳарбий хизмат доимо шўро кишиларининг ватанпарварлик ҳамда байналмилал бурчи бўлган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади. Мамлакат ёш фуқароларининг армияда муваффақиятли хизмат қилиши кўп жиҳатдан аввало уларнинг жисмоний бақувватлигига боғлиқдир. Армияга чақирилишдан олдинги тайёргарлик илгариги бошланғич ҳарбий тайёргарликка нисбатан анча кенгроқ вазифаларни ҳал этади. У мактаб дастуридаги мажбурий умумдавлат фанидир ва соғлом, жисмонан бақувват ва чидамли, руҳан барқарор, армияда хизмат қилаётган дастлабки даврларда зарур бўладиган амалий кўникмаларни эгаллаган навқирон йигитларни тарбиялаш вазифасини ҳал этади.

Армияга чақирилишдан олдинги тайёргарлик учун ўқув вақтидан 140 соат ажратилади. Бу дарс ўнинчи ва ўн биринчи синфларда, ҳунар-техника билим юртларининг биринчи ва иккинчи курсларида ўтилади. Машғулотлар энг яхши ўқув юртлари негизида тузиладиган марказларда ҳам ўтказилади. Программада умумий жисмоний тайёргарлик учун 20 соат кўзда тутилган.

Хизматга чақирилишдан олдинги тайёргарлик программасининг бошқа бўлимларига ҳам ўзгартишлар киритилди. Машғулотларда ўқувчиларга тинчлик давридаги мураккаб вазиятларда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги ўргатилади. Амалий машғулотларга кўпроқ эътибор берилади. Бунинг учун махсус мудофаа-спорт соғломлаштириш лагерларини ташкил этиш зарур.

— Янги, хизматга чақирилишдан олдинги тайёргарлик узлуксиз таълим ҳамда ўрта ва ҳунар мактабларини ривожлантириш системасига нима бераяпти!

— Бизнингча хизматга чақирилишдан олдинги тайёргарликнинг жорий этилиши айрим ўқитувчилар, халқ таълими бўлимларининг раҳбарлари ва ўқувчиларда вужудга келган мактаблар ҳамда ҳунар-техника билим юртларида бу фаннинг кераксизлиги тўғрисидаги фикрни ўзгартириш имконини беради. Янги дастур жорий этилгач, уни мактаб дастуридаги бошқа фанлар билан кенгроқ боғлаш имкони пайдо бўлмоқда. Ёшларни тарбиялаш ва камол топтириш масалалари муваффақиятлироқ ҳал этилади, ўқитувчилар билан хизматга чақирилишдан олдинги тайёргарлик раҳбарлари ҳамжиҳатроқ бўлиб ишлай бошлашади. Ўсмирлар синфлардаги машғулотлардагина эмас, шу билан бирга техника тўгаракларида ҳам ҳарбий тайёргарлик бўйича билим олишлари, маҳорат ва амалий кўникмалар ҳосил қилишлари лозим. Уларни ташкил этишда ДОСААФ, «Меҳнат резервлари» Бутуниттифоқ спорт жамияти катта ёрдам бериши мумкин.

— Ҳозир армия тўғрисида кўп гапиришаяпти. Хизматга чақирилувчиларга бу қандай таъсир кўрсатаяпти!

— Ошкоралик кенгайиб, армия жамоалари ҳаёти ва маиший турмуши ёритилиши билан армия муҳитидаги салбий ҳодисалар, машъум «оқсоқоллик» оқибатлари ҳам кенг жамоатчиликка маълум бўлди. Армияда аскарларнинг турли сабабларга кўра ҳалок бўлиши ҳоллари у ёки бу оила учунгина эмас, шу билан бирга бутун маҳалла учун ҳам фожиага айланмоқда. Ёшлар бу фактларни юракка жуда яқин олмоқдалар. Натижада кейинги пайтларда айрим йигитларнинг армия хизматига боришдан бош тортиш ҳоллари кўпайди. Баҳорги чақирув даврида Тошкентда 781 киши ноҳия чақирув комиссиялари қабулига келмади. Октябрь ноҳиясида хизматга чақиришда ёмон аҳвол вужудга келди. Бу ерда ноҳия комиссиясига 222 киши, Акмал Икромов ноҳиясида 199 киши, Собир Раҳимов ноҳиясида 203 киши келмади. Афсуски, бу масалада шаҳар мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларининг ҳам айби бор. Чунки хизматдан бош тортган йигитларнинг 30-40 фоизи шу ўқув юртларини битирган. Мамлакат олий ҳарбий билим юртларида ўқишни давом эттириш истагини билдирган йигитлар 127 нафар камайди. Туб миллатга мансуб атиги 63 йигит мактаб ва ҳунар-техника билим юртларини битирганидан кейин ҳарбий билим юртларига ўқишга кирди. Бундай аҳволни нормал деб бўлмайди. Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг «Хизматга чақиришни ва жумҳурият ёшлари ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармони шу муаммони ҳал этишга ёрдам беради. Ушбу Фармонда офицерлар таркибини тайёрлаш мақсадида туб миллатга мансуб йигитларни танлаш ва уларни ҳарбий билим юртларига ўқишга юбориш юзасидан аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бориш назарда тутилган.

— Шаҳар ўқув юртларида ўсмирларни СССР Қуролли Кучларида хизматни ўташ учун тайёрлаш ва уларни ҳарбий касбларга йўналтириш юзасидан тўпланган ижобий иш тажрибаси тўғрисида нималар дея оласиз!

— Тошкентда кўпгина тажрибали, ўз ишини яхши биладиган педагоглар ишламоқда. Киров ноҳиясидаги 260-мактабнинг ҳамда Ҳамза ноҳиясидаги 33-ўрта ҳунар-техника билим юртининг хизматга чақирилишдан олдинги тайёргарлик раҳбарлари Г. Т. Косенчук билан М. С. Грачев ўсмирларни армиядаги хизматга тайёрлаш юзасидан пировард натижа концепциясини ишлаб чиқиб, уни ўқув жараёнига жорий этдилар. Бу ўқув юртларининг битирувчилари СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тўла тайёр. 33-ўрта ҳунар-техника билим юртининг битирувчиси В. Усинин армияга чақирилишдан олдинги тайёргарлик раҳбарига армиядан ёзган мактуби диққатга сазовордир: «Меҳнатингиз учун, армияда хизмат қилишни, солдат бўлишни ўргатганингиз учун сизга раҳмат». Бир қанча ноҳияларда ўсмирларни ҳарбий мутахассислик касбларига йўналтириш иши яхши йўлга қўйилган. Куйбишев ноҳиясида мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларини битиргандан кейин 83 нафар йигит мамлакат олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кирди. Ҳамза ноҳиясида 60 йигит ҳарбий касбни танлади. Бошқа бир қанча мактабларда ҳам ишлар яхши йўлга қўйилган.

— Ҳамидулла Қаюмович, ўқув-моддий базаларнинг аҳволи қандай, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларида хизматга чақирилишдан олдинги тайёргарлик самарадорлигини ошириш учун қандай имконият бор!

— Шаҳарда 166 та мактаб ва 8 та ҳунар-техника билим юрти шу мақсад учун зарур барча нарсаларга эга. Афсуски, штатлар қисқариши туфайли армия сафларидан бўшаб қайтаётган ёш офицерлар мактабларда хизматга чақирилишдан олдинги тайёргарлик раҳбарлари сифатида ишлаш истагини билдиришмаяпти. Уларни асосан иш ҳақи миқдори қониқтирмаяпти.

Армияга чақирилишдан олдинги тайёргарликнинг ўқув-моддий базаси аҳволини яхшилаш учун шаҳар халқ таълими бошқармаси билан Ўзбекистон ССЖ ҳарбий комиссариатининг қўшма буйруғига биноан шаҳар мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўртасида армияга чақирилишдан олдинги тайёргарликнинг энг яхши ўқув-моддий базаси учун кўрик-конкурс ташкил қилинди. Бу кўрик конкурс сентябрь-октябрь ойларида ўтказилади.

Ўзбекистон жумҳурияти Президентининг Фармонига шарҳлар

Ўзбекистон ССЖ Президентининг «Аспирантлар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари стипендиясини ошириш тўғрисида»ги Фармони кўп вақтдан буён тайёрланаётган эди. Гап шундаки, аспирантлар, талабалар ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг таъминот ва турмуш даражаси, турмуш қийматининг ортиши ва нархнинг қимматлашишини ҳисобга олганда жумҳурият раҳбариятини жиддий ташвишга солган эди ва ҳозир ҳам ташвишга солмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда аҳолининг 45 фоиздан кўпроғи қашшоқ яшаётганлиги, талабаларнинг кўп қисми аҳолининг худди шу табақасига мансублиги, бунинг устига уларнинг кўпи ётоқхона билан таъминланмаганлиги ҳисобга олинса, талабаларнинг моддий аҳволи қанчалик ночор эканлиги равшан бўлади.

Жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари, уни маънавий жиҳатдан тиклаш, жумҳуриятнинг келажаги тўғрисида ўйлар эканмиз сўзсиз равишда биз бу ишларни қандай мутахассислар тайёрлаётганлигимиз, улар мамлакатимиз фуқароси сифатида ҳар томонлама камол топиши учун, улар кучини ва вақтини кўпроқ бевосита ўқишга, мустаҳкам билим олишга сарфлаши учун ҳозир қандай шароит яратиб бераётганлигимиз билан боғлаймиз.

Уларнинг баъзилари ўқиш жараёнида ота-оналаридан олаётган моддий ёрдам ана шу оилалар бюджетига қаттиқ таъсир қилмаслиги кераклигини тушунамиз. Ниҳоят, бунда кўп болали оилаларнинг бошқа аъзолари, айниқса, болалар ўзларини камситилган деб ҳис қилмасликлари лозим.

Буларнинг ҳаммаси аспирантлар, олий ўқув юртларининг талабалари ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларини кўпайтириш учун қўшимча резервларни қидириб топиш зарурлигини қатъий тақозо этмоқда.

Жумҳурият Президенти ана шуларни ҳисобга олиб, аспирантлар, талабалар ва ўқувчи ёшларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун шу йил 1 сентябрдан бошлаб уларнинг стипендияларини кўпайтиришни зарур, деб ҳисоблади. Ана шу мақсадга 1990-1991 ўқув йилининг ўзидагина салкам 90 миллион сўм ажратилади. Умуман 390 минг аспирант, талаба ва ўқувчи бюджетига барака киради. Бунда аспирантлар стипендияси ўртача 180 сўмга, педагогика олий ўқув юртлари талабалари стипендияси — 60 сўмгача, техника, тиббиёт ва бошқа олий ўқув юртлари талабалари стипендияси — 55 сўмгача етади. Ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияси ўртача 40-45 сўмни ташкил этади.

«Яхши» ва «аъло» ўқийдиган талабалар учун қўшимча моддий омил пайдо бўлади. Масалан, «яхши» баҳога ўқиётганлар стипендияси 65-72 сўмни, аълочилар стипендияси эса 78-87 сўмни ташкил этади.

Фармондан келиб чиқадиган масалаларни холисона ҳал қилиш учун жумҳурият Вазирлар Кенгашига уларнинг нечанчи курслигига, танлаб олинган мутахассислигига қараб, таълим бериш шароитларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш, бунда ижтимоий адолатни таъминлаш топширилди. Шу билан бир вақтда аспирантлар, талабалар ва ўқувчиларга зарур маданий-маиший шароитни яратиб бериш ҳамда уларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик барча ўқув юртлари ректорлари ва директорлари зиммасига юклатилди.

Бу нимани билдиради? Ўқув юртларининг раҳбарлари талабалар ва ўқувчилар учун зарур шарт-шароит яратишни ўз фаолиятининг асосий вазифаси деб ҳисоблашлари лозимлигини билдиради. Талабалар ва ўқувчиларнинг қонуний ҳуқуқлари ва энг муҳим манфаатлари ҳамма нарсадан устун туриши керак.

Гап мустақилликни кучайтириш, ижтимоий манфаатлар ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, аспирантлар, талабалар ва ўқувчи ёшларга самарали ўқиш ва ишлаш учун зарур шароитларни яратиш тўғрисида бормоқда.

Президент Фармонининг амалга оширилишини назорат қилиш Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши зиммасига юклатилди.



Умуман жамоа яхши бўлса, унумдорлик ҳам юқори бўлаверади. Жамоа яхши бўлиши учун эса уларга қулай шарт-шароит яратилиши даркор. Андижон вилоятининг Москва ноҳияси аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатига қарашли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинатида аҳвол шундай. Шунинг учун ҳам сиз кўриб турган бу қизлар чеҳрасида табассум балқимоқда.

Бу ерда 170 минг сўмлик трикотаж маҳсулотлари тўқиб чиқарилади.

СУРАТДА: цех тўқувчилари Муҳаррам Усмонова ва Ҳавасхон Маллаевалар.

Сураткаш Аъзамжон МИРЗАЖОН.

ТАНИШИНГ: БАЙРАМ ҚАТНАШЧИЛАРИ

«Гулистон» рўзномаси муҳаррири ўринбосари Зокир ОҚҚУЛОВ ҳикоя қилади:

— Мен рўзномамиз тарихига тўхталиб ўтмоқчи эмасман. Қарийб 60 йиллик фаолияти давомида амалга оширган ишларини ёзмоқчи бўлсак, бир неча китобга ҳам сиғмайди. Сўнгги уч йил жамоамиз учун тарихий воқеаларга бой бўлди. 1988 йилда рўзноманинг 5000-сони чиқарилди. Бу йил эса 60 йиллик тўйини ўтказдик.


Рўзнома жамоаси халқ ичига чуқурроқ кириб бориш учун бир қанча тадбирлар ўтказмоқда. Масалан, радиоахборот бўлимининг мудири Рустам Содиқовнинг ташаббуси билан таҳририят қошида «Илҳом» футбол командаси ташкил этилди. Мана икки йилдирки, команда ҳафтада бир маротаба навбати билан хўжаликларга бориб учрашув ўтказмоқда. Шуниси қувончлики, учрашув олдидан меҳнаткашлар ва рўзнома жамоаси ўртасида очиқ мулоқот бўлмоқда. Ана шу мулоқотлар пайтида халқнинг дилидаги дардига қулоқ солинмоқда.

Командамиз ўтган йили учрашувларда анча муваффақиятли ўйнади. Бу йилги учрашувлар ҳам ёмон эмас. Бунда ўйинчиларимиз Тоҳир Отабобоев, Алишер Холмирзаев, Баҳодир Хўжанов, Ҳусан Қурбонов, ва Баҳодир Муталлибоевларнинг хизмати катта. Шуни мамнуният билан қайд қилиш керакки, командамиз шу ерда ўтадиган «Ёш ленинчи» рўзномасининг байрами кунларида «Ижодкор» командаси билан учрашади. Бу икки ижодкор жамоа аъзоларининг маҳорат кўриги бўлиши аён.

СИРЛИДИР БУ ДУНЁ

БУГУН ГУЛИСТОН НОҲИЯСИДА «ЁШ ЛЕНИНЧИ» БАЙРАМИ БОШЛАНАДИ. БУ ТАНТАНА ЭРТАГА КЕЧҚУРУН «ИЖОДКОР» ҲАМДА «ИЛҲОМ» КОМАНДАЛАРИНИНГ ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ БИЛАН ЯКУНЛАНАДИ.

Унинг бир қўлида чинни коса, иккинчисида эса оддий шампань виноси. Теварак-атрофдагиларга косани тўнтариб кўрсатади, хайрихоҳлик ва такаллуф билан винодан татиб кўришга таклиф этади. Сўнг сирли санъатини ишга солади. Косани шампанга тўлдиради. Бўш шишани бир четга қўядида, шампань тўла чиннини қўлида чайқата бошлайди. Вино кўпириб, коса қирғоқларидан тошади, яна тошади, яна... Кўп ўтмай косадан қуюқ тутун кўтарилади, бора-бора у яшил, кейинчалик эса қизғиш алангага айланади. Атрофга учқунлар сачрайди. Дам ўтмай кучли аланга кўтарилади-ю, олов лоп этиб ўчади, қолади. Яна қуюқ тутун кўтарилади.



Бу сирли санъат соҳиби — Бутуниттифоқ цирк санъати янги асарлари кўриги лауреати, Японияда бўлиб ўтган йог санъати бутунжаҳон фестивалининг олтин маъбуда совриндори, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Фурқатжон Юнусовнинг гулистонлик томошабинларга кўрсатмоқчи бўлган оддий чиқишларидан бири бўлади. У байрам куни бор маҳоратини ишга солиб, мухлисларни хушнуд этмоқчи. Унинг программаси жуда кенг ва қизиқарли.

Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

СУРАТДА: Ф. Юнусов.

Сураткаш Муҳаммад АМИН.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР! СИЗЛАРНИ БУГУН ГУЛИСТОН НОҲИЯСИ МАРКАЗИДА БОШЛАНАДИГАН «ЁШ ЛЕНИНЧИ» БАЙРАМИДА ҚАТНАШИШГА ЛУТФАН ТАКЛИФ ЭТАМИЗ. КЕЛИНГ, ДАВРАМИЗГА ҚЎШИЛИНГ ДЎСТЛАР!

Шу сонга хабар

Матбуот конференцияси

Яна бир неча кундан сўнг Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV съезди ўз ишини бошлайди. Хўш, жумҳуриятимиздаги энг оммавий ҳисобланган бу ташкилот олдида қандай вазифалар турибди! Юз бераётган ижтимоий, иқтисодий инқироз шароитида мазкур ташкилот меҳнаткашларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қодирми! Умуман таркибий тузилишида ўзгаришлар эҳтимол тутилаётган касаба уюшмаларининг келгуси фаолияти нималардан иборат!

6 сентябрь куни бўлиб ўтган матбуот конференциясида жумҳурият Кенгаш раҳбарияти оммавий ахборот воситалари журналистлари билан шулар хусусида мулоқот қилдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият Кенгашининг раиси, СССР халқ депутати Б. А. Алламуродов матбуот вакилларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди.

(Ўз мухбиримиз).

Вилоят комсомол қўмитаси пленуми

Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби И. Муртазоев ўқишга кирганлиги муносабати билан ўз лавозимидан озод қилинди. Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби этиб аввал Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб ишлаган Мирмаҳмуд Мирхўжаев сайланди.

Устав асосида иш тутди

20 ёшли К. билан 23 ёшли Х. омборларни қўриқлаб соқчиликда турган оддий аскар У. Ражабовдан автомат ва ракетницани беришни талаб қилишди. Улар ҳарбий қисмга мотоциклда келишди. Соқчи Устав асосида иш тутиб, уларга қўриқланаётган жойдан кетишни таклиф қилди. Чақирилмаган меҳмонлар ўз билганларидан қолишмади, осмонга қарата отилган огоҳлантирувчи ўқни писанд қилишмади. Шундан сўнг ҳарбий хизматчи уларнинг ўзларига қарата ўқ узишга мажбур бўлди. Ярадорлар госпиталга жўнатилди. Ушбу ҳодиса юзасидан ҳарбий прокуратура тергов олиб бормоқда.

Саёқ юрган— таёқ ейди

Маст ҳолатдаги 22 ёшли В. Машкин икки ошнаси билан бирга Қарши шаҳар ички ишлар бўлимининг милиционери А. Назаровга ҳужум қилди. Осмонга отилган огоҳлантириш ўқлари безориларни тўхтата олмади. Шундан кейин милиционер энг ашаддий безорининг оёғини мўлжаллаб ўқ узди. Соғайиб кетганидан кейин Машкин тергов қилинади.

Қонун йўли билан жазоланади

Статистикадан маълум бўлишича, ҳар куни Тошкент тайёрагоҳида, вокзалларда юклар текширилганида қорадори олиб кетаётган шахслар рейслардан четлаштирилади. Мана айрим фактлар:

П. Шевчук Тошкентдан Днепропетровскка кетаётганида ундан наша аломатлари бўлган 2,5 грамм модда топилган. Материал ҳарбий прокуратурага топширилган.

«Тошкент—Северний» станциясининг кутиш залида С. Торчуков ушланди. Ундан 1,3 грамм наша топилди. Ишни ҳарбий прокуратура текшираяпти. Шу куннинг ўзида тайёрагоҳда Тошкент—Свердловск рейсига чиқмоқчи бўлиб турган ўн саккиз ёшли йўловчи И. Моисеевдан 21 грамм қорадори топилди.

Тошкент — Красноводск поездида 28 грамм қорадори олиб кетаётган Воробьев қўлга олинди.

Андижон вилоятида яшовчи Д. Аҳмадалиевдан «Ташкент-Южний» станциясида 200 грамм қорадори тортиб олинди.

Навоий станциясида Қашқадарё вилоятидан бўлган сабзавоткор Р. Пакдан 47 грамм қорадори топилган.

Қорадорини сақлаганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонунларда оғир жазолар кўзда тутилганлигини унутмаслик керак.

Диққат: қидирув!

Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги жиноий қидирув бошқармаси 1961 йилда Астрахань вилоятида туғилган, корейс миллатига мансуб, Москвада соқчилар қўлидан қочиб кетган қуролланган хавфли жиноятчи Григорий Васильевич Кимни қидирмоқда.

Унинг белгилари: бўйи 173—175 сантиметр, гавдаси спортчиларникига ўхшайди, ўнг оёғи бир оз оқсоқланади. Чап чаккасида, кўз баландлигида ярим ой шаклида жойлашган йирик холлари бор, ўнг елкаси чап елкасидан сал пастроқ, чилла яралари (экзема) борлиги туфайли қўл ва оёқларини тез-тез қашийди.

Агар сиз шу одамнинг қаерда эканлиги тўғрисида бирор нарса билсангиз 02 рақамли телефон орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

(ЎзТАГ).



Н. Островский номидаги шаҳар кашшофлар ва ўқувчилар саройида бир нечта тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида миллий каштачилик тўгараги ҳам бор. Яқинда бу тўгарак аъзолари — Моҳира Ҳилватова (118-мактаб), Дилдора Мирзааҳмедова (173-мактаб), Ҳилола Бегматова (113-мактаб)лар Москвада ўтказилган СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида тиккан кашталари билан қатнашиб, бронза медалига сазовор бўлдилар. Қизларнинг моҳир чевар бўлиб етишишларида тўгарак раҳбари, СССР халқ маорифи аълочиси, Шарифа Қурбоновнанинг хизматлари бекиёс.

СУРАТДА: пойтахтлик совриндор ўқувчилар Моҳира Ҳилватова, Дилдора Мирзааҳмедова ва Ҳилола Бегматовалар.

Суратчи Ҳ. ШОДИЕВ.

Парламент хроникаси

ДИҚҚАТ: КЕЛГУСИ МИНГ ЙИЛЛИК!

Минг йилликнинг охиригача қарийб ўн йил қолди. Ўзбекистон янги асрга нима билан кириб боради? XX асрнинг охиригача кўпдан-кўп иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал эта оладими? Биз технологик қолоқликдан қутилиб, фан ва таълимни ривожлантиришнинг халқаро стандартлари даражасигача кўтарила оламизми? Яқинда Ўзбекистон Олий Шўросида бўлиб ўтган «давра столи» йиғилишида ана шу саволлар муҳокама этилди.

Йиғилишни оча туриб иқтисодий ислоҳот бўйича парламент Қўмитаси раиси ўринбосари Эркин Хўжаев депутатлар, ёш иқтисодчи, социолог олимлар таклиф этилганлигини маълум қилди. Олимлар билан ҳамкорлик қилиш — бу янги депутат корпусининг характерли хусусияти. Парламент ана шу алоқаларни чуқурлаштириш ва ҳар жиҳатдан кенгайтиришга тайёр.

Йиғилиш қатнашчиларига бўлажак ҳаракатноманинг хомаки режаси тарқатилди. Ҳаракатноманинг мақсади — ўн йил муддатда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жаҳоннинг етакчи мамлакатлари даражасига кўтаришдан иборат. Бу ғоят мураккаб, амалга оширса бўладиган вазифа, деб ҳисоблайди лойиҳа муаллифи, Ўзбекистон ёш олимлар ва мутахассислар Ассоциациясининг раиси, физика-математика фанлари номзоди Зоҳиджон Исроилов. У лойиҳани шарҳлаб туриб шундай деди:

— Иқтисодиёти ривожланган барча мамлакатларда ўз вақтида ижтимоий таъминлашни етарли даражага кўтаришнинг стратегик ривожлантириш ҳаракатномалари қабул қилинган. Одатда бу ҳаракатномалар ўн йилга мўлжалланган. Ғарб мамлакатларида, Туркияда, Шарқий Осиё мамлакатларида ана шундай йўл тутилган. Ана шу ҳаракатномаларнинг муаллифлари мамлакат турмушини ягона ижтимоий-иқтисодий организм сифатида кўриб чиққанлар: иқтисодиётни ривожлантириш ва жамият бир-биридан ажратилган эмас. Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, ана шу барча ҳаракатномалар муваффақиятли бажарилган.

Ҳозир мамлакатимизда ислоҳот амалга оширилаяпти. Истиқболимиз қандай бўлишини ҳамиша ҳам аниқ тасаввур қила олмаймиз. Иттифоқ ҳукумати ўз ҳаракатларини бир йил олдинга мўлжаллайди. Қисқа муддатли режалаштириш ҳукуматни гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга оғишга, навбатдаги «ёриқ»ни ёпишга мажбур қилди.

Қисқа муддатли режалаштириш Оролни ҳалокатга олиб келди. Мазкур йилда пахта юзасидан режа келгуси истиқбол учун муҳим эканлигини кўрсатди.

Оролнинг фожиаси — бу фақат кўрсаткичларни эътиборга олган ҳолда иқтисодиётга бир томонлама ёндашишнинг натижасидир. Бунда ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга етарли баҳо берилмаган. Шундай қилиб, минтақамиз демографик, ижтимоий ва иқтисодий ҳалокат ёқасига келиб қолди. Аср охирига бориб, биз кам малакали ўнлаб миллион кишиларни боқишга мажбур бўламиз.

Жумҳурият мустақиллиги бутун Ўзбекистон аҳолисининг манфаати йўлида имкониятлардан фойдаланган ҳолда бу муаммоларни янгича ҳал этиш имкониятини беради. Мустақилликнинг ўзи — асосий мақсад эмас. Аввало жумҳурият мустақиллиги минтақанинг асосий ресурси сифатида шахснинг мустақиллигини муваффақиятли рўёбга чиқариш орқали мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Жумҳуриятда жаҳон тажрибасида синовдан ўтган қонунлар, норматив актлар мажмуасини қабул қилиш зарур. Ҳа, ҳозир биз ҳали бунга тайёр эмасмиз, лекин аср охиригача бўлган ўн йилликда жаҳон стандартлари даражасига яқинлаштириш учун бу жуда қулай муддатдир.

Иқтисодий ислоҳот юзасидан кўпгина ҳаракатларимиз системасиз. Буни ижтимоий-маданий, иқтисодий ва сиёсий йўналишларда ҳаракатномаларни ўзаро мувофиқлаштириш ва аниқ мақсадга йўналтириш орқали бартараф этиш мумкин.

Ислоҳотни фақат миллат розилиги, минтақани қайта тиклаш масаласи юзасидан барча соғлом кучларни бирлаштириш шароитидагина амалга ошириш мумкинлигини эътиборга олиш керак.

Зоҳиджон Исроилов тақдим этилган лойиҳа — бу бўлажак ҳаракатномаларнинг «меъморий эскиз»и эканлигини таъкидлади. Реал лойиҳагача ҳали узоқ, уни яратишга тўғри келади. Лойиҳани қандай тарзда ишлаб чиқиш мумкин? Жумҳурият ёш олимлар уюшмаси Ўзбекистон Олий Шўроси ва Вазирлар Кенгашининг қўллаб-қувватлашида муаллифлар жамоасининг муваффақиятли ишлаши учун шарт-шароит яратиб бериш лозимлигини назарда тутади.

Кейин фикр алмашув бўлди. Жумҳурият молия вазирлигининг ходими Абдулла Абдиқодиров «меъморий эскиз»ни ишлаб чиқиш пайтида Эстония жумҳуриятининг «ИМЕ» ҳаракатномасини амалга ошириш тажрибасидан фойдаланилганми ёки йўқлигини сўради.

Зоҳиджон Исроилов ҳаракатномани ишлаб чиқишда «ИМЕ», Латвия, Украина, Белоруссия, Гуржистон ва бошқаларнинг шунга ўхшаш ҳаракатномалари тажрибаси эътиборга олинган, деб жавоб қилди. Шунингдек, Россиянинг «500 кун» ҳаракатномаси, бир қатор хорижий ҳаракатномалар ҳам эътиборга олинган.

Йиғилиш қатнашчилари жумҳурият ҳозирча бозор иқтисодиётига ўтишнинг аниқ-равшан концепциясига эга эмас. Вақт эса шоширмоқда. Уни эски маъмурий усул билан амалга ошириш мумкин эмас, деган фикрга келдилар.

Профессор А. Ўлмасов собитқадам комплекс ҳаракатнома зарурлигига шубҳа йўқлиги тўғрисида ўз фикрини билдирди. Шарқ ва Ғарбдаги улкан халқаро тажриба ва шундай ҳаракатномалар самарали эканлигидан далолат бериб турибди. Туркия ҳам бир вақтлар ўз олдига йигирма йил мобайнида Оврўподаги етакчи мамлакатларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий даражасига чиқиб олишни мақсад қилиб қўйган эди. Ҳозир ҳаракатнома муддати тугаётганда Туркия ўз олдига қўйган мақсадга эришишидан далолат бериб турибди.

Осиё мамлакатларида бир қатор комплекс ҳаракатномалар ЮНЕСКО ташаббуси бўйича қабул қилинган эди. Улар ҳам муваффақиятли амалга оширилаяпти. Бизнинг ҳам назарда тутаётган ҳаракатномамиз муваффақиятли бажарилиши учун, биринчи навбатда унинг механизмини пухта ўйлаб кўриш зарур.

Ўзбекистон Олий Шўросининг иқтисодий ислоҳот бўйича Қўмита раиси Абдуваҳоб Йўлдошев учрашувга якун ясаб, Қўмита ёш олимлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини таъкидлаб ўтди. Шу муносабат билан келгусида бундай учрашувларни назарий семинарлар сифатида ўтказишни таклиф қилди. Келгусида жумҳурият Олий Шўроси ҳузурида, ёш олимлар уюшмаси таклиф этаётганидек, қонунчилик ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар институти тузилиши мумкин. Ҳаракатномага келганда шуни айтиш керакки, бу ерда билдирилган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олиб, унинг устидан иш олиб боришга қарор қилинди.

Ташаббускор гуруҳ тузилди. Унга ҳаракатномани яратишга олимлар, социологларни таклиф қилиш, унинг устида иш олиб боришнинг моддий, ташкилий масалаларини ўйлаб кўриш топширилди. **Ташаббускор гуруҳнинг телефони: 39-81-38. Ҳурматли муштарий, агар сизда қимматли таклифлар бўлса, марҳамат, қўнғироқ қилинг. Ҳаракатнома ишига ўз ҳиссангизни қўшинг.**

Андрей СЕМЕРКИН.

ТАҲРИРИЯТДАН: «Ёш ленинчи» журналистлари парламентнинг бу ташаббусига катта қизиқиш билан муносабатда бўлишди. Учинчи минг йилликка иқтисодий ва ижтимоий ривожланган ҳолда кириш — ҳозирги кундаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга боғлиқ. Мана шунинг учун ўн йил мобайнида тиғиз меҳнат қилинса арзийди.

БАЙРАМГА ТАШНА ҚАЛБЛАР

Хўжалик аҳли байрамни соғиниб қолган экан. Янги ўқув йилининг биринчи кунида Шеробод ноҳияси жамоа хўжалиги бозорига тумонат одам йиғилганида бунга яна бир бор амин бўлдик. Бу ерда Н. Қодиров номидаги 10-давлат хўжалиги аҳли хўжалик кунини ўтказишга тўпланган эди.

Ўша куни 10-давлат хўжалиги бор бисотини ёйди. Нимага қодир бўлса, намойиш этди.

— Мана, уч йилдирки, ноҳиямизда хўжаликлар кунини ўтказиб келмоқдамиз, — дейди «Билим» жамияти масъул котиби Бахтиёр Йўлдошев. — Ниятимиз ушбу тадбирни анъанага айлантириш, токи ибратли ишлар оммалашсин. Энг яхши ўтказилган хўжаликлар куни учун махсус мукофотлар ҳам таъсис этганмиз. Давлат хўжаликлари кунини ўтказишдан асл мақсад халқ ижодиётини кенг тарғиб қилиш, меҳнат жамоалари ютуқларини намойиш этиш, маданият ва санъат бўйича янги истеъдодларни излаб топиш ҳамда меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишини таъминлашдан иборатдир.

Назаримизда ушбу мақсадга эришилди ҳам. Буни доирачиларнинг чиқишларида, халқ ижодиётидан намуналар ўқилганда, чанқовуз саси атрофни тутганда... йиғилганларнинг севинчдан яйраб кетишгани-ю, уларни олқишлашганида кўриш мумкин эди.

Ноҳиянинг марказий «Деҳқон» бозорига ўрнатилган қўлбола саҳнадан узоқ вақт куй ва қўшиқлар таралиб турди. Атрофда бешқарсак, ошиқ, қулоқчўзма, кес-кес ўйинлари кишиларни ўзига оҳанграбодек тортиб турди. Бир ёқда қўчқор уриштириш, яна бир томонда хўрозлар жанги, оқтеракми, кўктерак ўйинлари, лапарлар айтиш бир-бирига уланиб бораверди.

Расталарда қадимий ёдгорликларимиз — гиламдўзлик, зардўзлик кўргазмалари намойиш этилди. Полиз маҳсулотлари, ҳўл мевалар сотуви ташкил қилинди.

Қариялар ҳам ўша куни ёшлик онларини қўмсаб қолдилар. Кўз қорачиғлари хиёл намланди. Буни биров билди, биров эса йўқ. Лекин муҳими барча билгани — кексалар ёшлар ҳақига дуо айлашди, уларнинг тан соғлиқларини худодан тилашди. «Бизларга бир зум бўлса-да, ёшлигимизни, болалигимизни қайтардинглар, умрларингдан барака топинглар, болаларим», дейишди.

Сўнгра тантаналар ноҳия маданият ва истироҳат боғида алламаҳалгача давом этди.

Шарофат ВОҲИДОВА,
Сурхондарё вилояти, Шеробод ноҳиясидаги 38-мактаб кашшофлар инининг бош етакчиси.

Хориждан хабарлар

ЯҚИН, ЎРТА ШАРҚ ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ҚОҲИРА. Ўтган куни кечакундузда Иордан дарёсининг босиб олинган ғарбий қирғоғида ва Ғазо шўъбасида фаластинликларнинг норозилик ҳаракати қатнашчилари билан уларни бостириш учун ташланган Исроил қўшинлари ўртасида тўқнашувлар бўлди. Тўқнашув чоғида 23 нафар араб жароҳатланди. МЕНА агентлигининг хабар қилишича, газандалар Наблус, Рамаллоҳ, Тулкармда, Ғазо шаҳрида ва бошқа бир қанча ерларда автоматлар ҳамда кўздан ёш оқизадиган газ тўлдирилган гранаталардан фойдаланганлар.

Ироқ маъмурлари шу мамлакат иқтисодиётининг давлат шўъбасидаги корхоналарда банд бўлган юз мингдан ортиқ Миср ишчиси мамлакатдан чиқиб кетишига рухсат бермадилар, деб хабар қилди «Ал-Вафд» рўзномаси. Рўзнома Миср Араб жумҳурияти ишчи кучлари ишлари билан шуғулланувчи вазирлигининг маълумотномасига таяниб ёзишича, Ироқда 1 миллион 350 минг мисрлик ишламоқда.

«Ал-Вафд» рўзномаси Ироқ маъмурлари шу мамлакатда ишлаётган мисрликларнинг 200 миллион доллар пулини Миср банкларига ўтказишдан бош тортганлиги тўғрисида ҳам хабар қилди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон билан Покистон Кашмирда «чала уруш» олиб боряпти, деди Ҳиндистон ички ишлар давлат вазири Субодх Кант Сахай. У штатлар кенгашида — жумҳурият қонун чиқарувчи олий идорасининг юқори палатасида сўзга чиқиб, Жамму ва Кашмир штатида экстремистларнинг давом этаётган хуружлари оқибатида ташвишли вазият сақланиб қолаётганини уқтирди. Экстремистлар асосан Кашмир водийсига Покистондан ташланган жангарилардан иборат.

Вазир ўз сўзларини тасдиқлаш учун қуйидаги маълумотларни келтирди: кейинги бир неча ой ичида Жамму ва Кашмирда 733 марта портлаш рўй берди, террорчилар тинч аҳолига, полициячилар ва ҳарбий хизматчиларга 936 марта ҳужум қилдилар; натижада террорчилар 420 кишини, хавфсизлик кучлари 339 кишини ўлдирдилар.

Штатлар кенгаши Жамму ва Кашмирда президент бошқаруви муддатини узайтириш тўғрисида ҳукумат тақдим этган қонун лойиҳасини маъқуллади, шунингдек, штатнинг энг хавфли ноҳияларида хавфсизлик кучлари фавқулодда ваколатга эга бўлишлари учун овоз берди.

● ДАККА. Бу ерда умуммиллий иш ташлаш вақтида 52 киши қамоққа олинди, деб хабар берди «Бангладеш обсервер» рўзномаси. Мамлакатдаги турмушни саккиз соат давомида фалаж қилиб қўйган иш ташлаш, бундай вақтларда кучли мушак портлашлари, оммавий митинглар ва намойишлар, иш ташлаган кишилар қўйган қўриқчиларнинг полиция билан айрим тўқнашувларини ҳисобга олмаганда, асосан тинч ўтди. Шаҳарда иккита автомобиль ёқиб юборилди, полициячиларнинг битта автобуси шикастланди, баъзи ҳукумат муассасалари биноларининг деразалари уриб синдирилди, жароҳатланганлар бор.

Иш ташлаш Саудия Арабистонини Ироқнинг эҳтимол тутилган босқинчилигидан ҳимоя қилиш учун бу мамлакатга Бангладеш қўшинларининг бир қисмини «рамзий» маънода жўнатишга қарши норозилик белгиси остида ўтди. Айни вақтда ушбу тадбир ташкилотчилари — сўл демократик оппозициячи уюшма ва беш партияли сўл уюшма президент Х. М. Эршод ҳукумати истеъфога чиқишини ва парламентга муддатидан илгари демократик сайлов ўтказилишини талаб қилдилар. Оппозиция қўшинларни юбориш тўғрисидаги қарорнигина эмас, айни вақтда Америка кучларининг танглик рўй берган ноҳияда ҳозиру-нозир турганликларини ҳам қоралади. У можаро БМТ раҳнамолигида бирор хорижий мамлакатнинг аралашувисиз тинч музокаралар йўли билан тугатилиши мумкин ва лозим, деб ҳисоблайди.

(СИТА).



Ғарб оммавий-ахборот воситаларининг хабарларига қараганда Форс кўрфазида вазият танглигича қолмоқда. Саудия Арабистони ҳамда Ироқ чегараларида Америка қуролли кучларининг салмоғи ошиб бормоқда. Бу жаҳон аҳлини қаттиқ ташвишга солмоқда.

СУРАТДА: АҚШ қўшинлари танк бўлинмаси Ироқ чегарасида.

СИТА—Рейтер телесурати.

ДАВОЛАНИШ УЧУН КУБАГА

ГАВАНА. (СИТА мухбири Николай ПАСКА). Чернобиль атом электр станциясида рўй берган авария натижасида жабрланган 270 шўро болаларининг навбатдаги гуруҳи душанба куни Кубага келди. Хосе Марти номли халқаро тайёрагоҳда РСФСРдан келган болаларни Куба Компартияси Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси Хорхе Рискет кутиб олди.

Булар ҳам ўзларидан олдинги болаларга ўхшаб кашшофлар шаҳарчасида дам оладилар, уларга ҳам тиббий ёрдам кўрсатилади. Жиддий даволанишга муҳтож болалар эса Кубанинг энг яхши педиатрия шифохоналарига жойлаштирилади.

Худди шу куни 309 шўро болалари Гаванадан ўз ватанларига жўнаб кетдилар, улар саккиз ҳафта мобайнида Кубада даволандилар ва дам олдилар. «Менга кубалик дўстларим билан хайрлашиш оғир, — деди журналистларга 14-ёшли Ольга Урбан. — Бу ерда бизга кўрсатилган ҳамдардликни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаймиз».

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ОҒИРЛИК ҚАНЧА БЎЛИШИ КЕРАК!

● «КЕНИЯ эйруэйз» авиакомпанияси мутасаддилари учувчилар ва борт кузатувчилари учун махсус уст-бош яратдилар. Янги кийимга аввалгисига нисбатан ихчам ва кам мато сарфланган. Бундан ташқари борт кузатувчилар учун оғирликни қатъиян белгилаб қўйдилар. Масалан, уларнинг бўйи 157,5 сантиметрдан 183 сантиметргача бўлиш билан бирга, оғирлиги 62 килограммдан ошмаслиги керак ва камида икки хорижий тилни ўзлаштирган, шулардан бири, албатта, инглиз тили бўлиши шарт. Шунингдек, борт кузатувчиликка 21 дан 28 ёшгача бўлган, фақат дорилфунунни битирган ёки охирги курс талабалари қабул қилинади.

Оғирликни тақиқлашдан мақсад тайёрага кўпроқ йўловчи олишдир, дейишмоқда компания соҳиблари.

УЧИШДАН ОЛДИН ТОРТИЛИНГ

● СТОКГОЛЬМДАГИ Арланда тайёрагоҳининг ички ва халқаро йўналиш бўйича учувчи тайёраларига йўловчиларни чиқаришдан олдин, уларнинг ҳар бирини тарозида ўлчаб кўришмоқда.

Бу тадқиқотда 12 минг кишининг оғирлиги ўлчанади. Мақсад ҳаво кемаларининг юк кўтариш нормаларини аниқлаш. Ўтган йили ҳам бундай тажриба ўтказилганди. Унда 4 минг йўловчи қатнашган ва шу нарса маълум бўлгандики, ҳар бир шведнинг ўртача оғирлиги кўзда тутилгандан 10 килограмм ортиқ чиқди. Шундан сўнг норма ўзгартирилганди.

Ҳозир швециялик эркаклар ўртача ҳисобда 85, аёллар эса 68 килограммни ташкил этади. Янги тажриба ё амалдаги «қонун»ни тасдиқлайди, ёки нормани яна ўзгартиради.

200 ҚАВАТЛИ БИНО

● ЯПОНИЯНИНГ «Кадзима» қурилиш бирлашмаси 200 қаватли осмонўпар бино қуриш тўғрисидаги режасини эълон қилди. Бино тўрт қатламдан иборат бўлади. У 67,6 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Унда меҳмонхона, компания идоралари ва уй-жой комплекслари ўрин олади. Ер остида жойлашган етти қаватида эса автомобиллар ва керакли жиҳозлар туради.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу бино қурилишига бир триллион иен сарфланади. Лойиҳачиларнинг фикрича, бино баландлиги 800 метрни ташкил этади ва уни 7 йилда тиклаш мумкин.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хориждан хабарлар

Саволлар беринг!

Уйланганларга имтиёз борми?

Уйланган аскарлар уйига яқин жойда хизмат қилиши мумкин деган кўрсатма борми?
Ёқутой ҲАЛИЛОВА.
Денов шаҳри.

1989 йилдан бошлаб Бош штаб бошлиғи ёшларни мажбурий ҳарбий хизматга чақириш пайтида чақирилувчи уйланган бўлса, иложи борича яшаш жойига яқин ҳарбий қисмларга юбориш мумкинлигига рухсат берган. Лекин бундай вазиятга дуч келинганда чақирув комиссияси ҳар бир уйланган ёш учун алоҳида-алоҳида аниқ хулосага келади. Бунда у имкониятдан ва чақирилувчининг иш қобилиятларидан келиб чиқади. Аммо, бунда энг аввал қисмни сифатли қилиб тўлиқ жамлаш биринчи ўринда туради. Бу эса Қуролли Кучларимизнинг ҳар нарсага шай туришига боғлиқ.

Ҳақиқий мажбурий ҳарбий хизматни ўтаётган уйланган аскарларни уйига яқин жойга кўчириш ҳақида ҳеч қандай кўрсатма берилган эмас.

Навбатдаги шов-шувми?

«Комсомолец Узбекистана» рўзномасида икки ҳафтача олдин ой кратерига қўнган тайёра расми берилган экан. Американинг бу бомбардимончи тайёрасини бир пайтлар номаълум учувчи объект у ерга элтиб қўйган, деб эшитдим. Бу хабарни ўзим ўқимаганман. Айтингчи, шу ростми ёки навбатдаги шов-шувми?
Т. ТУРОПОВ.
Фарғона шаҳри.

Дарҳақиқат ўша расм дастлаб чет эл матбуотида кейин эса бизнинг кўплаб бошқа рўзномаларда чоп этилди. Тузилиши ва типографик нуқтаи назардан қараганда тайёра қўнган бу жой ойдаги Дедал кратеридир. Бу кратер Ойнинг орқа томони марказида жойлашган ва унинг эни тахминан 100 километрдир. Агар суратга ишониладиган бўлса, тайёранинг узунлиги 50 километрга тўғри келади. Бу ғирт бўлмаган гап. Шуни дадил айтиш мумкинки, бу рўзномаларнинг ўзга сайёралардан келганлар ҳақидаги навбатдаги шов-шувидир.

Мудофаа вазири аёлми?

Мудофаа вазири аёл Финляндия Мудофаа вазири аёл киши эмиш. Агар шу гап рост бўлса, у ҳақда маълумот берсангиз. Аёллардан бошқа мудофаа вазири бўлганми?
Б. СОБИТОВ.
Тошкент шаҳри.

Шимолдаги қўшнимиз бўлган Финляндия унча катта мамлакат бўлмаганлиги туфайли армияси ҳам унча кўп эмас — атиги 31 минг кишидан иборат.

Шу йилнинг июнь ойида бу мамлакатда мудофаа вазирининг янги бошлиғи тайинланди. Ғоят масъулиятли бўлган бу вазифага тўрт фарзанднинг онаси Элизабет Рен лозим деб топилган.

Бундай оғир ва масъулиятли вазифага аёл кишининг тайинланиши жаҳон тарихида бор-йўғи иккинчи воқеадир. Биринчиси 60—70-йилларда Цейлон бош вазири бўлган Сиримабо Бандаранаике хоним мудофаа вазири лавозимини ҳам эгаллаган эди.

ХАЛҚИМИЗ ШАЪНИНИ АСРАЙЛИК

ИНСОНИЯТ тарихида тарбия ҳақида ҳеч қачон биздагичалик тарғибот ишлари олиб борилмаган ва инсон фаолиятининг биз аралашмаган соҳаси қолмаган. Лекин шунга қарамай, хусусан, ёшлар ўртасида жиноятчилик кун сайин ошиб бормоқда ва бундан жамоатчилик ташвишга тушмоқда. Буни бартараф этиш мақсадида жазони кўзда тутувчи буйруқлар чиқмоқда, аммо жазо доимо адолатли ва тарбиявий восита бўлолмаслигини ҳаёт кўрсатмоқда. Агар ҳар бир масала тарғибот ва буйруқлар билан ҳал бўлганда эди, бундай кўнгилсизликлар аллақачон барҳам топарди. Шу муносабат билан узоқ йиллик педагогик тажриба тарбия масаласида баҳоли қудрат фикр юритишни тақозо қилади.

Жамият пайдо бўлибдики, кишилар ўртасида хайрли ишлар билан бирга жиноий ишлар ҳам юз бериб келган, бинобарин, ҳар даврнинг ўз жиноятчилари бўлган ва уларга қарши курашилган, аммо жиноятчиликнинг бизнинг давримизда йўқолиш ўрнига кўпайиб бориши кишини ўйлантиради. Мана бу фактга эътибор беринг: Бухорода Саид Олимхондан қолган ва оғир жиноятчилар сақланадиган машҳур бир зиндон бор. Унга, нари борса, 15—20 маҳбус сиғса керак. Буни биргина Тошкентдаги мавжуд ҳибсхоналар сони ва тури билан чоғиштириб кўринг.

Баъзилар жиноятчилик ўсишини мактаб ва оилада «тарбиявий ишлар бўш»лигидан кўради. Эътироз йўқ, аммо бундай қараш масаланинг моҳиятини очиш ўрнига айбни ўзгаларга юклаш, холос. Мактаб таълим маскани бўлиб, айрим сабабларга кўра бўш билим бериши мумкин, аммо бузуқ тарбия бермайди, ўқитувчининг эл олдидаги мавқеи эса моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам ҳавас қиларли даражада эмас. Оила мавжуд жамиятнинг бир бўлаги, элементи. Бола шу оилада туғилиб вояга етади, тарбияланади-ю, жамиятда камолотга эришади, бинобарин, бола ва унинг тарбиясини, айниқса, кишиларнинг ижтимоий фаоллиги ошган ҳозирги кунда жамиятдаги умумий шарт-шароитдан, ўзимиз яшаб турган мавжуд муҳитдан ажратиб қараб бўлмайди. Биз эса ҳамон тарбия ва жиноят хусусида гўё кишиларнинг яшаш тарзи-ю, дунёқараши аввалгидек катталар нима деса, ёшлар шуни қиладигандек фикр юритамиз. Шунга кўра «қуш уясида кўрганини қилади» деб юрамизда, буни инкор этмаган ҳолда «уйдаги гап кўчага тўғри келмай қолган»ини ҳисобга олмаймиз. Балоғат ёшигача жуда яхши таълим ва тарбия олган айрим ёшларнинг тўсатдан жиноят кўчасига кириб қолаётганини мактаб ва оила тарбиясига боғлайвериш ўринсиз, чунки жиноятчини гоҳо ўзимиз яратяпмиз. Жумладан, Андижон воқеаси томошабинни чиройли ўйин кўрсатиб жалб қилиш ўрнига «замонавий қимор» орқали пул топишнинг мевасидир. Пул аччиғи — жон аччиғи. Машина иштиёқида юз, минг сўмлаб пул сарфлаган томошабин алам устида ўринсиз бир сўз ёки ҳаракат билан ўзига ўхшаганларни жумбушга келтирмайди, хусусан, ёшяланг уларга эргашмайди дейсизми?

Тарбия ғоят мураккаб жараён бўлиб, ҳар даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўзида акс эттиради. Унинг восита ва омиллари асрлар давомида шаклланиб такомиллашади, ўзини оқлаган урф-одатлар анъанага айланади, бинобарин, тарбияда ҳар бир халқнинг ўз удуми, тарихан шаклланган ва тажрибада синалган дунёқараши, тарбия воситалари бўлади, шунинг учун тарбия миллий ва тарихий заминдан узилмаслиги керак. Бироқ эски давлат машинасини синдириш байроғи остида байналмилал тарбия миллий, анъанавий тарбия воситаларини, даҳрий тарбия диний-ахлоқий тарбия воситаларини, замонавий тарбия тарихий тарбия воситаларини танқид ва шубҳа остига олиб қоралайвергач, ана шу тарихий анъана, миллий замин бузилди. Бунинг устига сўнгги йилларда ўринли-ўринсиз миграциялар туфайли турли халқларга хос урф-одатлар, маданиятлар, тарбиявий воситалар қоришиб кетди. Улардан энг маъқулларини олиб, миллий урф-одатларни ривожлантириш ўрнига кўпроқ тақлидчиликка берилиб кетилди. Шу даражага етдикки, ҳатто рўзғор буюмлари ҳам танқиддан четда қолмади, жумладан пичоқни совуқ қурол деб қораладик, аммо АҚШда 120 миллиондан ортиқ ҳақиқий совуқ қурол халқ қўлида бўлса-да, кишилар бир-бирини ҳалок қилмаётганини ўйлаб кўрмадик. Айниқса, болаларнинг ота-оналар, бобо-момоларга нисбатан шафқатсизлик қилиш, ҳатто қотилликкача бориш сабабларини конкрет урф-одат, нарса-предметлардан излашдан кўра кўпроқ ўзимиз йўл қўйган хатолардан излаш лозим эди.

Тарихдан маълумки, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, давлат тўнтаришлари, қонли олишувлар ҳам (давлатлар ўртасидаги узоқ муддатли урушлар бошқа масала) узоқ муддат давом этмаган. Биз эса инқилобдан сўнгги 70 йил давомида халқимизнинг гоҳ у, гоҳ бу табақаси билан аёвсиз, ҳатто қонли кураш олиб бордик. Бунинг устига фашизм билан олиб борилган даҳшатли уруш ва армиямизнинг маълум қисмининг 1950 йилдан то 80-йиллар охиригача турли мамлакатлардаги жангларда иштирок этиши, айниқса, урушдан сўнг эркак зотининг деярли ҳаммаси армия хизматини ўташи изсиз қолмаган. Армияда йигитлар чиндан ҳам чиниқди, аммо ундаги темир интизомнинг охир-оқибати нималарга олиб келганини ҳам кўриб турибмиз. Уруш — уруш. Демоқчимизки, урушлар, биз олиб борган шафқатсиз курашлар халқимизнинг бир қисми онгига шафқатсизлик, бераҳмлик, қаттиққўллик ғоясини сингдириб қўймадимикан ва авлоддан авлодга ўтмадимикан?

Иккинчидан, болада онага меҳр кўкрак сути билан туғилади, онадан ҳид олади. Бизда анчадан бери бир гуруҳ болаларни бувилар ва энагалар тарбияламоқда, талай гўдаклар она сутидан маҳрум, ҳатто айрим оналар ўз боласини транспортда тиззасига ўтқазишни истамаяпти. Бола тетапоя бўлиши билан ясли ва боғчага берилади (болалар уйларини айтмай қўя қолайлик), сўнг мактабга боради, ота-она эса ишлашга мажбур. Кўринадики, бола балоғат ёшига етгунча, икки ўртада мунтазам алоқа йўқ. Ўтмишда халқ оч-юпун бўлса-да, ҳар бир таомни болалар билан бирга баҳам кўрган, емай едирган, киймай кийдирган, яъни меҳр бериб, меҳр орттирган. Меҳр кўзда деб шунга айтган. Оилада ҳеч бўлмаса она боланинг доимий ҳамроҳи бўлган ва у ўз хатти-ҳаракати, насиҳати билан болада отага ҳам меҳр уйғотган. Ота-онадан қалб ҳароратини олмаган ёшлар энди ота-она бўлди, кексайди. Белдан куч, кўздан нур кетганда, ёшлардан меҳр кутиляпти. Бизнингча, қариялар уйларидаги баъзи ота-оналар қисмати ана шу жароҳат оқибатидир. Ниҳоят, адабиётимизда оталар золим, қаттиққўл, худбин қилиб тасвирланди ва уларга қарши ғазаб уйғотилди. Албатта, бу ҳам бола тарбиясига ўз улушини қўшди.

Бола тарбиясида ҳар бир урф-одат из қолдиради ва у бирор халқ фаолияти билан боғланиб, шу халқнинг тарихи, жўғрофий ўрни, табиий яшаш шароити билан изоҳланади. Ҳозир шундай шароит вужудга келдики, биз одоблилик белгиси деб қараган ва ёшларга сингдириб келган қатор урф-одатларни бошқалар рад этмоқда, аксинча, биз рад этганларни улар маъқулламоқда. Чиллаки чиллакидан ранг олганидек, ёшларгина эмас, ҳатто айрим ота-оналар болалару кексалар олдида ярим-яланғоч юришни, қўлтиқ юнгларини жамоат жойларида ҳам яширмасликни одатдаги ҳол санамоқда. Нонни ахлатга, ахлатни сувга ташлашни ҳамма ҳам қораламаяпти. Баъзилар нонга муносабатни «тўқликка шўхлик» деб билади, аммо ўтмишда фақат камбағаллargina эмас, бойлар ҳам нонни эъзозлаб, «нон—имон» деб атаган, сувга муносабат ҳам кишиларнинг мавқеи билан белгиланмаган. Ҳозирда бир халқ урф-одатини қоралаб, бошқасиникини тарғиб қилиш, хусусан, улуғлаш ўзгаларни камситишга, улуғланган халқнинг ёш авлодида бошқалар ҳақида нотўғри тушунча туғилишига сабаб бўлади. Айниқса, туб миллат вакиллари аҳолининг атиги 6 фоизни ташкил қиладиган Бектемир каби жойларда тарихий анъаналарни сақлаб қолиш амри маҳол. Водийдаги йирик бир шаҳарда номиллий синфда таълим-тарбия олган бир киши ёшлигида ўзбекча урф-одатларга риоя қилиш ва ўзбекча гапириш у ёқда турсин, ҳатто ўзини ўзбек деб аташга уялганини айтганда, лол қолдим.

Одатда, янгиликнинг ижобий томони кўзга ташланади, оқибати ўйлаб кўрилмайди. Айтайлик, туғилган кунни нишонлаш байрамдек туюлди, раҳбарлар қирқ-эллик ёшга тўлиши билан мукофотлар олди, оқибатда лаганбардорлик, «туғилган кунингиз» номли порахўрлик, таъмагирлик авж олди. Ваҳоланки, минг йиллар олдин «Ҳадис»да «Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши динсизликдир», «Қуръон»да «бир-бирингизнинг ҳақингизни еманг», дейилган бўлса-да, раҳбарларимиз шундай муқаддас таълимдан баҳраманд бўлмади. Болалар ҳам туғилган куни нимадир кутишни ўрганди, ҳатто тили энди чиққан гўдак қўлингиздаги қадаҳни уриштирганингизни кўриб, «мен ҳам чиқ-чиқ» демоқда. Қарияларимиз қўлда қадаҳ билан ажойиб табрик сўзлари айтишяпти-ю, дилдан дуо қилишни билишмаяпти, тўйларимизнинг дуогўйлари ҳали гўшангани кўрмаган йигит-қизлар бўлиб қолмоқда, одатда.

Биз узоқ йиллар социализмда ярамас иллатлар бўлмайди, деб яшадик, чунки марксизм шундай таълим берган эди. Ф. Энгельс «Коммунизм принциплари» асарида, жумладан, «фоҳишалик хусусий мулкка асосланган ва у билан йўқ бўлиб кетади» деган эди, аммо ҳаёт бу башоратни оқламади, ҳатто — йўқчиликданми ёки текинхўрликданми — бошқа шаҳардан атай келиб, фоҳишалик қилувчи ва «йўл маликаси» бўлиб яшовчи «гўзаллар» пайдо бўлди. Айтишларича, илгари бозорларда қимматбаҳо буюм дўконларини ҳам қулфламай, пардани тушириб кетаверишган. Нега энди цемент-бетонли деворлар, қуролли қоровуллар, автоматик сездиргичлару темир панжаралар ҳам ёрдам бермаяпти, чўнтаккесарлар бемалол юрибди? Афтидан, биз «меҳнаткашларни байналмилал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш» ҳақида бонг урдиг-у, бироқ тарбиячи ким, меҳнаткаш халқ тарбия кўрмаганми, тарбиячилар ҳам шу халқ таркибига кирадими ёки улар олдиндан тарбияланган алоҳида етук шахсларми, деб ўйламадик. Аниқки, ҳар бир бошлиқ, амалдор ўзини тарбиячи, деб билади. Бу ҳолда жиноятчи раҳбарларни ким тарбиялади экан ёки «Ҳар томонлама ва гармоник ривожланган шахс»лар шулармикин?

Унутмангки, халқ биз ўйлаган даражада тарбияга муҳтож эмас. Тарбияда ҳалоллик, ростгўйлик ва адолат катта ўрин тутади. Бунга тарихимиз гувоҳ. Тарих ютуқ ва ютқизиқдан сабоқ берувчи амалий восита, жумладан, «Бобурнома»да йиллаб эшитилган, аммо бирортаси эсда қолмайдиган нутқ ва шиорлардан афзал, умрбоқий тарбиявий жиҳатлар бор. Масалан, Умаршайх қор остида қолиб кетган минг уйлик Хитой карвонининг мол-мулкини икки йил сақлаган, охири ворисларини топтириб, молларини бус-бутун топширган. Бировнинг мулкини икки йил бутун сақлаш ўта ҳалоллик, адолатпарварлик ва савобли ишдир. Бошлиқки шундай қилгач, бошқалар ўзини тиймай иложи йўқ. Бу хайрли иш ёшларга — бўлажак раҳбарларга ҳалоллик, одиллик ғоясини сингдиришда зарурий педагогик сабоқдир. Ёки Ҳусайн Бойқаронинг мана бу адолатли иши-чи: «Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтурган учун қонлиқларига топшурув, дорулқазоға йиборди». Бизнинг раҳбарлар эса жиноят қилган болаларини оддий адолатли жазодан ҳам қутқариб қолаверди.

Бобур кичик амакиси Султон Маҳмуднинг ярамас хулқини қоралаб ёзади: «Чўҳра қалин сахлар эди. Қаламравида чиройлиқ амрад ўғлон бўлса, ҳар навъ била келтуруб чўҳара қилур эди. Бекларнинг ўғлонларини, балки кўкалдошларин чўҳра қилиб эди, балки ўзининг кўкалдошидин туққонға доғи бу хизматни буюриб эрди. Бу шум феъл анинг замонида андоқ шойиъ эдиким, чўҳрасиз киши асло йўқ эди. Чўҳра сахламоқлиғни ҳунар билурлар эрди. Чўҳра саҳламаслиғни айб қилурлар эди». Агар буни, дейлик, пора деб билсак, айрим собиқ раҳбарлар пора олмаслик ва пора бермасликни айб санаган дейиш мумкин.

Бобурдан отанинг, аниқроғи, раҳбарнинг ҳаётда нималарга амал қилиши ва боланинг ота олдидаги бурчи ҳақида ҳам ажойиб мерос қолган: «Ҳар кимдин яхши қоида қолғон бўлса, анинг била амал қилмоқ керак, агар ота ёмон иш қилғон бўлса, яхши иш била бадал қилмоқ керак». Булар бизнинг тарихимиз, афсуски, уни яширдик, яъни ёлғон гапирдик, ёлғон ҳатто фанга ҳам кирди. Бу жиҳатдан адабиёт ва тарих зарар кўрди.

Тўғри, тарбияда байналмилаллик муҳим омил, аммо уни жуда жўн тушунамиз. Масалан, оила ҳақидаги гапга қаранг: «Қиз байналмилал (отаси ўзбек, онаси бошқирд) оилада таваллуд ва тарбия топган». Оила ғоят нозик масала. Ёшликда турмуш қуриб, бола-чақали бўлгандан кейин ҳам ажрашиб кетган «байналмилал» оилалар анчагина ва бундай оилалар фақат бизда эмас, ҳамма жойда бор, аввал ҳам бўлган. Фарқ шундаки, буни бошқалар бизчалик тарғиб қилмаса керак. Хўш, байналмилал оила болалари ҳам бирор халқ урф-одатини тан олиб, уни давом эттирадими ёки махсус «байналмилал урф-одатлар» руҳида тарбияланадими? Бундай оилаларни тарғиб қилишнинг икки асоси бор. Бири шуки, биз ягона халққа ягона тарбия бермоқчи бўлдик, аммо тили, маданияти, миллий урф-одати, диний эътиқоди турлича бўлган халқлардан ягона этник бирлик яратиб бўлмаслигини англамадик.

Биз ҳақиқий байналмилал урф-одат яратиш ўрнига (агар яратиб бўлса!) ҳар соҳада аксар Ғарб урф-одатини, маданиятини сингдиришга интилдик. Жумладан мусулмонларда мотам маросимларида бош кийимда бўлиш маъқул кўрилса, христианларда бош кийимни олиб таъзия изҳор этиш одат, лекин қайси томонга қарши ўт очилгани аён. Ёки мангу оловни зиёрат қилганимиз ҳолда, қабрда чироқ ёки шам ёқишни қораладик, ваҳоланки, уларнинг моҳияти бир: марҳумлар ҳурмати учун қилинади, қолаверса, улар оташпарастликка бориб тақалади. Агар мақсад марҳумлар руҳини шод этиш, уларни эслаш бўлса, аввало ўз ота-оналаримиз, бобо-момоларимиз, энг яқин жигарбандларимиз қабрларини зиёрат қилайлик. Мангу олов кабиларни зиёрат қилиш билан ёш оилалар мустаҳкамланиб ҳам, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик камайиб ҳам қолгани йўқ, шунинг учун уларни келин-куёв тўйдан кейин зиёрат қилса бўлаверади.

Ҳозирда бу одат тўй ишларини мураккаблаштираяпти, холос. Демак, диний-ахлоқий тарбия соҳасида ҳам динларнинг бирортасида бўлмаган урф-одатгина байналмилал саналади, акс ҳолда бошқа дин вакиллари камситилган бўлади. Аниқки, ҳар бир маданий ўсимлик алоҳида экилади, биз аралаш экиб мўл ҳосил олмоқчи бўлдик.

Иккинчидан, ўтмишда бир гуруҳ кишилар байналмилал оила туфайли омон қолган ва юқорига кўтарилган. Келгусида аксар ана шу оила болалари ўз тили, маданияти ва урф-одатини йўқотди. Болалар уйлари, ясли ва боғчалар ҳам ёшларни соғлом ва озода ўстирди, оқ кийдириб, тўқ тутди-ю, бироқ миллий урф-одатларни сингдира олмади. Шунинг учун оилавий ишларга ҳуда-беҳуда аралашавермасдан, уни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган барча воситалардан фойдаланиш зарур. Биз эса яқин кунларгача никоҳга оид мақолаларда не-не истеъдодли ёшларни қоралаб, «жиноятчилар» сонини сунъий ошириб юрдик, аслида никоҳ оила барқарорлигида муҳим восита эди. Кишилар никоҳ билан ЗАГСга ҳар хил қарайди, хусусан, ЗАГС оддий рўйхатдан ўтишдек гап, уни кейин расмийлаштириш ҳам шундан, яъни оила қурувчилар никоҳсиз қўшила олмайди-ю, бироқ ЗАГСсиз қўшилаверади, шу сабаб ўзбек хонадонида никоҳсиз тўй бўлганига ишониш қийин. Никоҳда томонларнинг обрўли қариялари (вакил ота, вакил она) қатнашади, куёвнинг бурчлари таъкидланади. Никоҳ сурасида ҳаётий гаплар айтилган. Уни фақат алоҳида маросимга айлантирмай, ҳамма жойда аввалгидек уйда ўтказилса, тўйларимиз бир оз ихчамлашади. Майли, янги оилалар истаган миллат вакилларидан ташкил топаверсин, аммо байналмилалчилик деб тарғиб қилавермайлик, турли миллат ва элат кишиларининг бирга ишлашию яшашига алданмайлик, чунки бу ҳодиса барча эл-юртларга хос. Миллий ғурурга тегадиган кичкина адолатсиз иш, андак ножўя ҳаракату биргина бемаъни сўз катта норозилик учун кифоя.

Ёшлар тарбиясида «байналмилал» маросим бўлмиш гўзаллик конкурсининг роли ҳақида алоҳида тўхтамоқчимиз, чунки уни маъқуллаганлар ҳам, эътироз билдирганлар ҳам бўлди. Хўш, бу одат четда бўлмаганда бизда ўтказилармиди ва шу соҳада биз нима ихтиро қилдик? Биринчи конкурсда беҳаёлик аралашгач, мутасаддилар ҳимояга ўтиб, биз ҳам беҳаёликка қаршимиз, мақсад йўқолиб бораётган миллий анъаналар, урф-одатларни тиклаш, қизларимизнинг турли соҳалар бўйича билимдонлигини аниқлаш дейишди ва айни чоғда уни шундай безаб кўрсатишдики, гўё шу йўл билан аёлларимиз азоблардан қутулиб, роҳат-фароғатда яшайди. Лекин уларнинг беҳаёликка қаршилигига ишониб бўлмасди. Чунки, биринчидан, ўтган йили «СССР гўзали»дан МТ кўрсатган парчадан маълум бўлишича, «гўзаллик» конкурсининг муҳим шартларидан бири ярим яланғоч, бора-бора тўла яланғоч кўрсатишдир. Мана, «СССР Маликаси—90», «Осиё Маликаси—90» конкурслари шартларига эътибор беринг: конкурсга «17—25 ёшдаги, турмушга чиқмаган, фарзандлари бўлмаган, қадди-қомати келишган, ёқимтой, ақл-идрокли, актёрлик қобилиятига эга, ҳазил-мутойибани тушунадиган, топқир қизлар таклиф қилинадилар».

Табиийки, келажак ёшларники, демак, гап жамиятнинг асоси бўлмиш оиланинг муқаддаслиги, уни мустаҳкамлаш ҳақидадир. Айрим шаҳарларда оила бузилиши 50-60 фоизга етган бўлса, бу ёғини тасаввур қилиб кўринг. Шу жиҳатдан қараганда, «Моҳиятини англайлик, ахир!» номли мақола («Ёш ленинчи», 1989 й. 8 декабрь) кишини анча ўйлантиради. Унда «гўзаллик» конкурсига эътироз билдирганлардан норозилик акс этган. Орзуга айб йўқ, аммо ёш муаллиф қизимиз «гўзаллик» конкурсларининг тарбиявий аҳамиятини, унинг оқибатини, ўзи айтганидай, моҳиятини англадимикин? Дарвоқе, масаланинг айни шу томонини конкурс ташкилотчилари ҳам айтмаган ёки буни ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган, ширин орзулар оғушидаги 15—16 ёшли қизлар айтармикин? Модомики, «гўзаллик» конкурслари ўз номи билан аввало ташқи гўзалликни ҳисобга олар экан ва биз ўзгаларга тақлид қилаверар эканмиз, бора-бора ярим-яланғоч ва тўла яланғочлик шарти қўшилмаслигига, уни беҳаёлик элементларидан ҳимоя қилиб, ҳамиша ўзбекона — миллий шаклда ўтказишга ҳеч ким кафиллик беролмайди, ҳатто сексуал ҳаракатларни ёқловчи, «асословчи» олимлар бизда ҳам топилади. Ахир, биргина боланинг бевақт пайдо бўлиши қанчадан-қанча жиноятлар билан боғлиқ эканлигини сезасизми? Эҳтимол, беҳаё фильмлар, телевидениенинг ахлоққа зид кўрсатувлари бизнесга қарши кураш деб ўйланар, аммо ақл-идрок, ахлоқ-одоб ғолиб келса, халқ кураш усулини топиб олади, илгари ҳам топган эди.

Шу муносабат билан қуйидаги фикрга диққатингизни тортмоқчимиз. Қизларни турмушга беришни 17-18 ёш қилиб чегаралаш ўзини оқламай қолди. Модомики, юз берган шароит туфайли айрим қизларда турмушга ҳавас, хоҳиш юз берган экан, уларни 17-18 ёшга тўлишини кутиб ўтирмасдан, ота-она ва қизнинг розилиги ҳамда саломатлиги ҳақида врачларнинг рухсати билан турмушга бераверишкерак. Бундай одат аввало ўзимизда бўлган, 15-16, ҳатто ундан кичикроқ ёшдаги қизларни турмушга бериш айрим ривожланган мамлакатларда ҳозир ҳам бор. Бу иш болаларни ота-онасизликдан, чақалоқларни ахлатларга ташлаб, ҳатто ўлдириб юборишдан, ота-оналарни уятдан, қизларни шармандаликдан сақлаб қолишда, ниҳоят, боланинг миллати ва ота-онасининг тайин бўлишида, инсон қадр-қимматининг юксалишида муҳим ўрин тутади. Шундай экан, марказий матбуот барча халқларнинг урф-одати, шаънини ҳисобга олиши ва бунинг учун уларнинг вакиллари билан бамаслаҳат ишлаши, ўзи маъқул кўрган, аммо бошқаларда қораланган «маданият»ни тарғиб қилавермаслиги керак. Агар бирор миллат «гўзаллари» ўзини яланғоч намойиш қилишни, ҳатто сексни расмона одат, «маданият» деб билар экан, бу маълум музофотдаги аҳолининг иши. Биласизки, аёллар шаънини покиза сақлаш исломнинг муҳим ақидаларидан бири, марказдаги айрим олимлар «назарияси»га асосланиб, юқоридаги каби одатларни тарғиб қилиш исломнинг ана шу ақидасини оёқ ости қилишдир. Бунинг оқибатида дин ва дин аҳли четда қолмаса керакки, натижаси ҳозирги миллий зиддиятлардан ҳам хунукроқ бўлиши мумкин. Ахир, инглиз ёзувчиси Салмон Рушдининг «Шайтон суралари» асари хусусида ҳамон давом этаётган вазиятни эслаш керак.

Эндиликда, иқтисодий мутелик, маънавий қашшоқлик, экологик офатдан ташқари, беҳаёлик — яланғочлик ва сексни тарғиб қилувчи «санъат» «маданият»га ҳам қарши кураш, миллий ахлоқни муҳофаза қилиш лозим бўлиб қолди.

АЁЛЛАР шаънини улуғловчи, миллий, ахлоқан юксак урф-одатларимизни тарғиб қилувчи конкурс-кўрсатувлар бўлаверсин. Ибо, иффат, шарм-ҳаё аёлларимиз кўрки бўлган ва шундай бўлиб қолсин. Бошқалар беҳаёликни маданият деб билса, биз ахлоқ-одобда беллашайлик. Албатта, ҳеч ким аёлларимиз эскича ҳолатда бўлсин демоқчи эмас. Жаҳон миқёсида юз бераётган жараёнлардан четда қололмаймиз, аммо ҳар бир ҳодисага ақл кўзи билан қараб, онгли ва танқидий муносабатда бўлайлик. Айни чоғда Ўрта Осиё фалсафаси ва педагогикасини, этика ва эстетикасини яратиш ва мустақил фан сифатида ўқитиш зарурияти туғилди, деб ўйлаймиз.

Аминжон МАМАТОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Иттифоқ бўйлаб



Ҳокисор, бадавлат она-табиат камбағал, бетоб. Мадад кутиб инграйди бечора.

— Унинг бу кўйга тушишида кўпинча саноат чиқиндиларининг «ҳиссаси» кўпмасмикин.

Шу фикрга келган Д. И. Менделеев номидаги Москва кимё-технология институтининг муҳандис-эколог куллиёти ўтган йили атроф-муҳитни ҳимоя қиладиган, эколог-эксперт ҳамда саноат қолдиқларини қайта ишлайдиган мутахассисларнинг биринчи гуруҳини ишлаб чиқаришга юборди.

Суратда: муҳандис В. Биков ва катта илмий ходим Н. Мейчик билан.

С. ПАНОВА суратга олган.



Мобода тажрибали психиатр бўлсагина бу сурат муаллифига аниқ диагноз қўя олиши мумкин. Ёки унинг ишини малакали мутахассисгина баҳолай олади.

Москвалик Александр Иванов уюштирган кўргазмада ана шундай, одатдан ташқари сурат жой олган. Яхшиси уни ўзингиз томоша қилиб ўйланг. Хулосасини айтасиз. Хўш, бу суратдан қандай маъно уқса бўлади?

Сурат муаллифи В. ХРИСТОФОРОВ


Иттифоқ бўйлаб

Сўнгги пайтларда оммавийлашиб кетди. Делфиннинг инсон билан дўстлиги ҳақида кўп гапиришлар, ёзишлар. Ҳатто ойнаи жаҳонда бу юзасидан кўпгина томошалар намойиш этилади.

Бу ақлли жонзот ҳақиқатдадам инсонга суянади, унга еркаланади. Пайти келганда кўмагиниям аямайди.

Денгиз мушигичи?

Яхшиси бунинг жавобини Р. ДЕНИСОВ туширган суратдан англаб олаверинг.



(СИТА суратхроникаси).

Рақс — туйғулар ифодаси

Шаҳноза таниқли рақкоса Гулчеҳра Фозилжонованинг қизи эканлигини билган кўпчилик унинг санъат даргоҳига кириб келиши силлиққина кўчган бўлса керак, деб ўйлаши табиий. У билан суҳбатдан сўнг менда бу табиийдек туюлган фикрга нисбатан жиддий шубҳа туғилди.

— Болалигим «Баҳор» гастроллари билан чамбарчас боғлиқ ўтган, — дейди Шаҳноза. — Уйда қолдиришнинг иложини қилолмаганликларидан онам бизни поезд ёхуд автобусларда вилоятлардаги гастролларга олиб кетардилар. Биз болалар саҳна ортида концертларнинг тугашини кутиб, мудраб ўтирардик. Рақкосалик касбига ана шу кимларгадир оғир, мен учун қизиқарли туюлган кунларда меҳрим тушган.

Онам ҳам, адамлар ҳам санъаткор бўлишгани, бу касбнинг машаққатларини яхши билишгани учун хореография билим юртига киришимга унча рўйхушлик беришмади. Уларни кўндириш учун анча хархаша қилишимга тўғри келди. Бироқ 4-синфни тугатганимдан сўнг, билим юртининг ўзим ёқтирган классика бўлимига олишмади. Орадан икки йил ўтиб, халқ рақслар бўлимига қабул қилиндим.

Шаҳноза санъат даргоҳида ўзига икки карра масъулият юкланганлигини биларди. Зеро, онасидек таниқли санъаткор номига муносиб бўлиш ҳазилакам иш эмасди. Фақат меҳнатгина унинг инсонлар қалбини рақс билан забт этишига имкон яратиши, эзгу орзуларига қанот бахш этишига қодир эди, холос. Ана шу туфайли Шаҳноза устози Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка Зулайҳо Раҳматуллаева ўгитларини жон қулоғи билан тинглади. Берган топшириқларини ихлос билан бажаришга тиришди.

Болалигидан Шаҳноза «Тановар»га рақсга тушишни истарди. Мукаррамхон Турғунбоева ижросидаги «Тановар» мукаммал рақс бўлиб, уни ҳайратга соларди. Кўнглида ана шу рақсни ижро этиш орзуси жўш урди. Бироқ бу рақснинг «юки» оғир, у ёшига муносиб эмасдек эди. Лекин, Шаҳноза «Тановар»да ёш юрак қалбидаги туйғулар тўфонини ифода этиш мумкинлигига жуда ишонарди. Устози ёрдамида ана шу рақсни тайёрлай бошлади.

1988 йили хореография билим юртида жумҳурият миллий рақс конкурси бўлиб ўтди. Шаҳноза ана шу конкурсда устозлари ёрдамида янгича сайқал берилган «Тановар» билан иштирок этди. Унинг илк ютуғига доя бўлди бу қадимий рақс. Қалбингдаги туйғуларни қўшиб ижро этолсанггина рақс жозибадор, дилбар бўлиб, томошабин эътиборига тушишини ана шу изланишлари жараёнида инкишоф этди. Аста-секин «Роҳат», «Муножот» рақслари ҳам унинг репертуаридан ўрин олди. «Муножот» рақси билан у жумҳурият «Нафосат» конкурси ғолиблигини қўлга киритди. Бунда унга Ф. Низомутдинова ва Р. Шарипова сингари санъат усталари кўмак беришди.

— Қайси рақсни кўпроқ севиб ижро этасиз? — синовчан сўрайман Шаҳнозадан.

— Ҳаммасини, — жавоб беради у. — Туйғуларни ифодалашда ҳар қайси рақснинг ўзига хос имкониятлари мавжуд. Шу сабабли уларнинг барчасин севиб ижро этаман.

«Нафосат» конкурсида эришилган муваффақиятдан сўнг уни кўплаб концертларга таклиф эта бошлашди. Жумҳурият «Қизиқчи-90» конкурси концерт номерлари, хонанда Юлдуз Усмонова концертлари шулар жумласидандир. В. И. Ленин номидаги Халқлар Дўстлиги саройида «Қизиқчи-90» конкурси мусиқали танаффусларда Шаҳноза Фозилжонованинг арабча рақси менга жуда манзур бўлган эди. Танлаган либоси одатдагидан ҳаёли-ибролилиги, рақсининг назокати билан ижро этилганлиги туфайли у бошқа кўплаб томошабинлар ҳам олқишига сазовор бўлди.

— Айрим таниқли рақкосалар ҳақида «у фалончининг рақкосаси» деб гапиришади. Сиз ҳам кўпчилик севган хонанданинг рақкосаси бўлишни хоҳлармидингиз?

— Тўғрисини айтсам, истамасдим. Чунки бундай ҳамкорликнинг менга номанзур томонлари ҳам бор. Масалан, мен тўйларда юришни мутлақо истамайман. Айрим рақкосаларнинг тўйларда бўлишига қарши чиқмоқчи эмасман. Муҳтожлик, кам маош балки уларни шу йўлни тутишга мажбур қилгандир. Мен барча иқтидорли санъаткорлар билан ҳамкорлик қилишни истайман. Шу сабабли Ғ. Бойтоев, Ю. Усмонова, К. Қаюмов каби кўплаб хонандалар концертларида иштирок этаман.

— Рақс санъати ривожида қандай муаммолар мавжуд деб ўйлайсиз?

— Миллийликнинг камайиши энг йирик муаммо десам, хато бўлмас. Биз ёшларнинг вазифамиз халқимизнинг бой меросини унутмасликкина эмас, балки унутилаёзганларга қайта жон ато этишдан иборат.

Шаҳноза айни пайтда ўзига билдирилаётган эътиборни янги миллий рақслар яратишга билдирилган ишонч деб тушунади. Унинг дастлабки муваффақиятларидан қувониш билан бир қаторда келгусидаги эзгу ишларда ривож тиласақ. Зеро, биз унинг ўзбек санъати довруғини дунёга танитишига тилакдошмиз. Сўзимиз охирида рўзномамизга келаётган мактублардаги саволга жавоб бўладиган фактни қайд этиб ўтсак. Унинг онаси севимли рақкосамиз Гулчеҳра Фозилжонова эканлигини маълум қилдик. Дадаси Муроджон ака касби доирачи. Укаси Азамат эса 8-синфни тугатган, ҳунар-техника билим юртида таълим олмоқда. Юқоридаги суратларнинг бирида сиз Шаҳноза Фозилжоновани ўз оила аъзолари даврасида кўриб турибсиз.

Амиркул КАРИМ.
Суратлар муаллифи Жўра БОБОРАҲМАТ.







«МЕН ОТАБЕКМАН, ЖАВОБ БЕРИНГЛАР!..»

(«ЁШ ЛЕНИНЧИ». 1990 ЙИЛ, 26 ИЮЛЬ).

«Менинг исмим Пўлатбек. Хоразм вилояти, Хазорасп ноҳиясида яшайман. Ёшим 25 да. Тўққиз йилдан бери ўрта тўлқинда «ишлайман». Лекин бинойидек мутахассислигим ҳам бор, бухгалтерман. Хива қишлоқ хўжалиги техникумини тугатиб, уч йилча ўз соҳам бўйича ишладим. Аммо тақдир барибир ҳаммага ҳам баробар яхшилик, қувонч ато этавермас экан. Бахтсиз ҳодиса туфайли юролмайдиган бўлиб қолдим. Кўп жойларда даволандим, фойдаси бўлмади. Ҳозир уйдаман. Юпанчим радио бўлиб қолган...

Шаҳрисабзлик «Отабек» ака тўғрисидаги мақолани ўқиб, рости йиғладим. У киши 7-синфдалигида шундай аҳволга тушиб қолган экан. Бунинг устига укаси Холмурод ҳам яна шу ёшга келиб...

Эҳ, бешафқат тақдир азобларига чидаб яшашнинг ўзи бўлмас экан. Нимасини айтасиз, менинг дардим етмаганидек бир укамнинг ҳам аҳволи ҳозирдан ёмонлашиб бораяпти. У бу йил Тошкент Давлат маданият институтига ҳужжат топшириб, ўз кучи билан имтиҳонлардан ўтиб, мандатдан қайтди. Айбимиз — қўлимиз калталиги — оилада саккиз жонмиз. Рўзғоримиз зўрға ўтиб турибди. Ишонмайсиз, укамнинг қўлидан келмайдиган ҳунари йўқ. Расм солади, қўшиқ айтади. Ҳар қандай мусиқа асбобини «сайратади». Лекин «бири кам дунё» деганлари шу экан-да...

Менинг ҳам имконим бўлса, одамларга яхшилик қилсам дейман. Бемалол суратга оламан. Алоқа бўлимларида ҳам ўтириб ишлайдиган иш бўлса уддалайман. Қанийди, Хазорасп ноҳиясида биз — кўнгли ярим одамларнинг дардини тинглайдиганлар бормикан? Дунёда яхшилик қолади.

«Отабек» (Саъдулла) ака асло ўкинманг, мана сизу-бизни сўроқлайдиган, ўксик кўнглимизни кўтарадиган «Ёш ленинчи»дек куюнчак рўзноманинг борлигига минг бора шукр қилайлик. Бардам бўлинг!

Самимий салом билан:
Пўлатбек САИДМУРОДОВ.

* * *

«Ҳурматли редакция! Рўзномангиз саҳифасида эълон қилинган «Мен Отабекман, жавоб беринглар!» мақоласини жуда изтироб билан ўқидим. Ҳалиям ака-уканинг сабр-бардошига балли. Айниқса, онасининг, «отаси бўлса дала одами. Дардини билдирмайди. Мен бечорага қийин. Ниятларим шумиди? Беш ўғлимни уйли-жойли қилиб ҳузур-ҳаловатини кўраман, дердим. Пешонада бор экан» деган сўзлари ҳар қандай қалби тош одамни ҳам эзиб юборади. Бизнинг орамизда Саъдуллага ўхшаган инсонлар беҳисоб. Мухбир айтган узлуксиз хайрия кўрсатувларидан қанча маблағ тушгани менга қоронғу. Лекин ҳали ҳам кўпчилигимизнинг назаримиздан четда қолиб кетаётган қанчалаб «Отабек»лар бор. Уларга қўлимиздан келганча яхшилик қилиб, мурувват кўрсатайлик, махсус фондлар ҳисобидан пул ажратайлик.

Мен эртанги кунга доим ишониб яшайман. Балки «Отабек» ака ҳам, бир кун келиб соғайиб кетар. Ўксик ота-онанинг ниятлари ижобат бўлар...

Лазокат ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Қирғизистон ССЖ,
Ўш вилояти».

* * *

«Мен ҳам шу мақолани ўқиб ўз мулоҳазаларимни ёзаяпман. Тўғрисини айтсам, эсимни таниганимдан бери «бизнинг жамият инсонпарвар жамият, камбағаллар йўқ, ҳамма фаровон яшайди. Инсоний ҳуқуқларимиз тенг», деган гапларни минг марталаб эшитиб келаман. Бугун бу гапларга сира ҳам ишонмайман. Чунки яшириб келган «сир»ларимиз ошкор бўлди. Сал бўлмаса жар ёқасига келиб қолган эканмиз. Хайрият...

Менинг ягона таклифим: Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз ноҳиясидаги мутасадди кишилар «Отабек» аканинг ҳолидан мунтазам хабар олиб туришса. Мана, улар бемалол радио — телевизор — магнитофонларни тузатар экан. У кишининг уйида алоҳида устахона очиб бериш масаласини ҳам ўйлаб кўришлари керак. Биз — бугунги авлод вакиллари ота-боболаримизнинг муқаддас анъаналарини қадрлаб, бир-биримизнинг кунимизга ярайлик.

Ш. ОМОНОВА,
Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти,
Тўрткўл шаҳри».

* * *

Рўзномамиз номига «Отабек» (Саъдулла Абдураҳмонов)нинг ўз қўли билан ёзган мактуби ҳам келди. «Ишонинглар, хатни ўз қўлларим билан ёзаяпман. Неча йиллар бўлди, билмайман, қалам ушламаган эдим. Лекин сизларга ўз миннатдорчилигимни қандай билдирай. Минг раҳмат. Бағрим бутун бўлди, руҳим ҳам тетик. Ўзимни шу кунларда жудаям бахтли ҳис қилаяпман. Сўнгги пайтларда умидсиз бўлиб қолгандек сезардим ўзимни. Айниқса, онамни айтмайсизми қувонганини. Холмурод укамнинг ҳам боши осмонда. Бизнинг ҳолимизни сўраб келаётганларнинг адоғи йўқ. Бу ёғи ҳар куни хатлар оламан. Мен ҳаётни яхши кўраман. Яшагим келади. Эҳ, қанийди ҳозир...

«Ёш ленинчи»дан бир умр миннатдорман. Мени ҳаётга қайтардингизлар. Раҳмат!..

Ҳурмат билан:
«Отабек» (Саъдулла)
Шаҳрисабз ноҳияси, Оқпоя қишлоғи».

ТАҲРИРИЯТДАН:

Очиғи, бундай мактублар қўлимизда беҳисоб. Бизни қувонтиргани, муштарийларимиз мақолада кўтарилган масалага инсоний меҳр-мурувват туйғулари билан ёндашганликлари. Ҳа, мактубларда таъкидланганидек, жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларида бешафқат тақдирнинг оғир азобларини енгиб яшаётганлар жуда кўп. Уларни қанча эъзозласак, ўксик кўнгилларига таскин бериб, ҳурматларини жойига қўйсак, шунча оз. Биз рўзномамизга шу мақолага муносабат билдириб мактуб йўллаган барча муштарийларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

БАСТАҚОРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкентлик бастакор Валерий Сапаров «Духовой оркестр учун дивертисмент» асарини Францияга, халқаро конкурсга юборган эди. Асар кўрикнинг якунловчи қисмида муваффақият билан ижро этилди. Кўрикка дунёнинг барча томонидан композиторлар 230 та асар юборган эдилар.

Валерий Сапаровнинг номи жумҳуриятимиз мусиқа ихлосмандларига яхши таниш. У Улуғ Ватан урушига бағишланган «Ғалаба саҳифалари» симфонияси, оркестр билан фагот ва флейтада ижро этиш учун ёзилган концертларнинг муаллифидир. В. Сапаров Элдор Азимов раҳбарлигидаги камер оркестр билан қалин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бастакор у билан бирга ўзининг жаз альбомини магнит лентасига туширди. Бундан ташқари В. Сапаров болалар учун «Пахтаой» операсини ёзди, у жумҳурият қўғирчоқ театрида муваффақият билан ўйналмоқда.

— Ҳозир мен янги опера устида ишлаяпман, — дейди В. Сапаров. — Бу асар Навоий номли театрда қўйилади. Операнинг дастлабки номи «Туташ қалблар» бўлиб, у О. Генри ҳикоялари руҳи билан йўғрилган.

«НАВБАҲОР» ПОЛЬШАГА БОРАДИ

Урганч ноҳиясидаги Калинин номли жамоа хўжалигининг «Навбаҳор» ашула ва рақс халқ дастаси шу йилнинг сентябрида Польшада, Зелена Гура шаҳрида ўтадиган фольклор жамоалари халқаро фестивалида Ўзбекистон номидан қатнашиш ҳуқуқини олди. Бу ҳаваскор артистларнинг хорижга биринчи марта чиқишлари эмас. Улар Венгрияда, Югославияда концертлар беришган.

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими Рўзмат Бекчонов раҳбарлик қилаётган «Навбаҳор» дастаси маҳаллий ёшларни ўзига жалб этувчи марказгина эмас, айни вақтда миллий санъатнинг моҳир ташвиқотчиси ҳамдир. Дастанинг композициялари ва мусиқа асарларида йўқолиб бораётган анъаналаримиз, унутилган тароналар ва расм-русумлар қайтадан жонланади. Жамоа Польша сафарига Хоразм халқ қўшиқлари ва рақслари асосида янги дастур тайёрлади.

(ЎзТАГ).

«АНДИЖОНФИЛЬМ»

«Истиқбол тўғрисида жиддий ўйлар» — «Андижонфильм» студиясида яратилган лентага шундай ном берилди. Студия вилоят касаба уюшмаси кенгашининг маданият уйи ҳузурида ташкил этилди. Асар муаллифлари ёшларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ бир қанча муҳим муаммоларни кўтарганлар. Диққатга сазовор жойи шундаки, фильм Андижонда кўрсатилгандан сўнг корхоналарда янги иш ўринларини вужудга келтириш юзасидан бир қатор тадбирлар кўрилди.

Маданият уйининг бу студияси ҳали ёш. Студия қатнашчиларини жонажон шаҳарнинг турли муаммолари қизиқтиради. У асосан хўжаликлар ва корхоналарнинг буюртмасига кўра фильм яратади. Айни вақтда бошловчи сураткашлар ва кино ҳаваскорларига ёрдам беради, сценарий ёзишда, плёнкаларни ишлаш ва уларни монтаж қилишда, фильмларга овоз беришда кўмаклашади.

Савол беринг

Будда қаердан келиб қолган?

Тожикистонда Будда ҳайкали топилганлиги ростми? Бу ҳайкал мусулмонлар мамлакатида қандай пайдо бўлиб қолган?

К. ҲОЖИЕВ.
Тожикистон ССЖ, Ленинобод вилояти.

Тожикистон жумҳуриятининг Қўрғонтепа вилоятидаги Ажинатепа тепаликларида 70-йилларда олиб борилган археологик қазилма ишларида ҳақиқатан ҳам баландлиги 12 метр бўлган лойдан ишланган баҳайбат Будда ҳайкали топилган. Бу ерда қачонлардир гуллаб-яшнаган монастир қолдиқлари ҳам мавжуд бўлган. Ўша пайтда чет эллик бир киши бу ҳайкални бир миллион долларга сотишни таклиф қилган экан. Лекин бу қимматбаҳо экспонатни Тожикистонда олиб қолишга қарор қилишган. Шундан бери у Тожикистон ўлкашунослик музейида сақлаб келинмоқда.

Энди иккинчи саволга келсак. Ўрта Осиёга араблар бостириб киришмасдан олдин унинг кўплаб ҳудудларида будда дини ва оловга сиғиниш мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам бу ердаги қазиш ишлари олиб бораётган археологлар кўпинча монастир қолдиқлари, будда бўлакларига дуч келишган.

Иш соати ҳамма жойда бир хилми?

Бошқа мамлакатларда иш соати қанча қилиб белгиланган?

С. ҚОБУЛОВ.
Бухоро шаҳри.

Маълумки, СССРда нормал иш ҳафтаси ўртача 41 соатдан иборатдир. Японияда энг кўп иш соати жорий қилинган. Бу ерда ҳафтасига ўртача 46 соатдан ишлашади. Ишчи-хизматчиларнинг 30-40 фоизигина ҳафтасига беш кун, қолганлар эса олти кун ишлашади. АҚШда ўртача иш ҳафтаси 40 соатданга, ГФЖ да 37,5 дан 40 соатгача, Францияда — 35-39, Италия, Швеция, Нидерландия, Бельгияда 36-40 соатга тўғри келади.

Кўпчилик ғарб мамлакатларида ва АҚШда ҳафтасига беш кун ишлашади.

Кашпировский қаерда?

Машҳур совет шифокори Анатолий Кашпировский АҚШ, Канада, Исроил ва Польшада бўлганидан кейин Шарқий Словакиянинг Кошица шаҳридаги спорт залида ўзининг дастлабки даволаш машғулотларидан иккитасини ўтказди.

Журналистлар билан бўлган учрашувда, у ўзида сеҳргарлик қобилияти йўқлигини, лекин 28 йилдан бери давом эттираётган шифокорлик фаолиятида инсон-инсон учун энг яхши дори эканини тушунганини таъкидлади. Касалликларга қарши курашиш керак эмас, беморларни даволаш зарур, деб уқтирди у.

Яқин кунлар ичида яна тўртта даволаш машғулоти, шу жумладан Кошицадаги 8460 ўринли амфитеатрда машғулот ўтказилади.

«Союз» қанча туради?

Коинотни тадқиқ қилиш мақсадида кўплаб ракеталар, кемалар учирилади. Уларга сарфланаётган харажатлар қандай? Шу ҳақда маълумот олишни истардим.

Б. ЁҚУБОВ.
ТошДД толиби.

Коинотни ўрганишга бағишланган матбуот конференцияларидан бирида «Союз» кемаси давлатга қанча тушиши ҳақида маълумот берилган эди. Унда айтилишига кўра, бу ракеталар серияли ишлаб чиқарилса, тахминан 2-3 миллион сўмга тушар экан. «Союз» кемалари кам серияда ишлаб чиқарилаётганлиги туфайли улар ҳозир анча қимматга — 7-8 миллион сўмга тушмоқда, дейилган.

ТВ

8 СЕНТЯБРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

10.00 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм, 1-серия, (СССР—ПХР). 11.40 Анвар Обиджон. «Қўнғироқли ёлғончи». Ҳ. Охунбобоев номидаги жумҳурият Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 13.00 Ёш ижрочилар концерти.

Тижорат кўрсатуви

13.45 «Иш ўнгидан келганда...». Фарғона вилояти «Агрокоммунстройрем о н т» трестида уй-жой қурилиши ишлари ҳақида.

* * *

17.45 Кўрсатувлар тартиби. 17.50 «Фил ва Қушча». Қўғирчоқ фильм. 18.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Наманган гуллари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Эстрада шинавандалари, Сизлар учун!». 20.15 «Тоғ кўллари сири». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.30 Москва. «Вақт»». 21.00 Оқшом эртаклари. 21.15 «Ёдгорлик». Ёзувчи ва драматург Беҳбудий. 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 «Артист»нинг хайрлашув гастроли». Бадиий фильм («Мосфильм»). 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

17.45 Кўрсатувлар тартиби. 17.50 Болалар учун концерт. 18.15 «Ғолиб». Бадиий фильм. 19.30 «Новости». 19.50 Ҳалил-ал-Мадхун. «Ўғрилик». Теленовелла премьераси. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Нури зиндаги». Ленинобод шаҳри. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Нури зиндаги» кўрсатувининг давоми.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Чашмалар». 8.30 «Сиз яратган боғ». 9.00 Москва шаҳар хореографик жамоаларининг концерти. 9.40 «Партнёр». Тижорат хабарномаси. 10.10 «Инсон. Ер. Коинот». 11.10 Сергей Тарасов чалади (фортепьяно). 11.30 «Ғолиблар». 12.30 Корея халқ армияси ашула ва рақс ансамблининг концерти. 13.00 Полтава бадиий музейи. 13.25 Болалар учун фильм. «Том Сойер ва Гекльберри Финнинг саргузаштлари». 1 ва 2-сериялар (Одесса киностудияси). 15.45 «Оғир юк». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан курашган Рига шаҳрилик ҳуқуқ ҳимоячиси В. Богданов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран» ва ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар Бош муҳарририяти). 16.30 «Ҳайвонот оламида». 17.30 «Халқаро панорама». 18.15 «Анна Ахматова ҳақида хотиралар». Телевизион фильм премьераси. 19.20 «Буқаламун». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Литва телевидениеси). 20.30 «Вақт». 21.00 СССР ҳукуматида. 21.10 «Буқаламун». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 22.15 «Қуш учганда». Р. Карцев ва В. Ильченко иштирокида телевизион спектакль премьераси. Муаллиф — М. Жванецкий. 23.50 «ТСН». 00.05 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 7.50 Мамлакат театрлари намойиш этади. «Ахлатхона». Ногин драма театри фильм-спектаклининг премьераси. Муаллиф — А. Дударев. 10.45 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. Финал. «Портленд» — «Детройт». 11.45 «Оила» телепрограммаси. 12.45 «Майдон». Спорт программаси. 13.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали.

16.15 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БУЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23569.